Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 50 (10.046). • 1991 йил 13 март • чоршанба • Баҳоси 6 тийин.

## Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети пленуми тўғрисида

# АХБОРОТ

1991 йил 12 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми бўлди.

Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини бажаришга оид амалий тадбирлар тўғрисида;

Ўзбекистон Компартияси Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик ҳақида;

1990 йилги партия бюджетининг ижроси ҳақида ва Ўзбекистон Компартиясининг 1991 йилги бюджети тўғрисида;

Ташкилий масала.

«Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини бажариш соҳасидаги амалий тадбирлар тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокарада Жиззах вилоят партия комитетининг биринчи котиби Э. Турсунов, Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Б. Тўхтамуротов, Қорақалпоғистон Хўжайли район партия комитетининг биринчи котиби С. Е. Қутлумуротов, Ўзбекистон ССР Давлат нарх комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедов, Фарғона вилояти Фарғона районидаги Ленин номли колхоз бошқаруви раиси А. Сатторов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков, Бухоро вилояти Қизилтепа район партия комитетининг биринчи котиби М. Шамсиев, «Совет Ўзбекистони» газетасининг бош муҳаррири Р. Раҳмонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов, Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг биринчи котиби В. А. Чекмарев сўзга чиқдилар.

Масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинганидан кейин пленум «Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини бажаришга оид амалий тадбирлар тўғрисида», «Ўзбекистон Коммунистик партияси Уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида», «1990 йилги партия бюджетининг ижроси ҳақида ва Ўзбекистон Компартиясининг 1991 йилги бюджети тўғрисида», «В. И. Ленин номли Ўзбекистон халқлари тарихи ва дўстлиги жумҳурият музейи ҳақида» қарорлар қабул қилди.

Р. А. Попов республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан пленум уни Марказий Комитет котиби, Бюро ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан озод қилди. Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган А. Абдувосиқов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет котиби ва Бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум Ж. Ҳ. Ҳамидов илмий ишга ўтиши муносабати билан унинг Марказий Комитет котиби ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди. Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири бўлиб ишлаётган К. Юсупов Марказий Комитет котиби ва Бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум С. Д. Ниетуллаев Қорақалпоғистон республика партия комитетининг биринчи котиби сифатида ўз фаолиятини тўхтатганлиги муносабати билан уни Марказий Комитет Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган Д. Н. Шамшетов Марказий Комитет аъзоси ва Марказий Комитет Бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Пленум Д. Д. Берков ва Д. А. Усатов республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан Д. Д. Берковни Бюро аъзоси ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан ҳамда Д. А. Усатовни Марказий Комитет аъзоси вазифасидан озод қилди.

Пленум Қ. Ё. Саидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудири этиб, С. Д. Ниетуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг миллий сиёсат бўлими мудири этиб тасдиқлади.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиялари таркибига ўзгаришлар киритди. К. Юсупов мафкура комиссиясининг раиси, А. Абдувосиқов ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси этиб сайландилар. Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Р. А. Попов ана шу вазифалардан озод қилиндилар.

Пленум қатнашчилари ССР Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи юзасидан СССР референдуми ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР коммунистларига, барча меҳнаткашларига ва фуқароларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Котибиятининг аъзоси Г. Турғунова, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Е. А. Новожилов иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

### *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленумида И. А. КАРИМОВ маърузаси*

Ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи олдимизда турган вазифаларни ҳал этишнинг янги йўллари қийинчилик билан изланганини якунлаб берди. У Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини ва Уставини, бошқа ҳужжатларни қабул қилди, уларда коммунистларнинг сиёсий мавқеи, бизнинг дастурий мақсадларимиз жуда аниқ-равшан ифодалаб берилган, республика меҳнаткашлари ва бутун аҳолисининг туб манфаатлари амалий тарзда эътиборга олинган ва акс эттирилган, бу ҳужжатлар жамиятдаги вазиятни барқарорлаштириш, соғлом кучларни жипслаштириш эҳтиёжларига мос бўлиб тушади. Биз съездни халқ олдидаги ўз бурчимизни бажариш, халқнинг Коммунистик партияга ва унинг сиёсатига бўлган ишончини амалий ишлар билан оқлаш азму қарори билан тугалладик.

Ўтган уч ой — мана шу кўп соҳали иш қандай бошланганини, бу иш ҳамма жабҳаларда ҳам муносиб қатъият ва собитқадамлик билан олиб борилаётганини баҳолаш учун жуда етарли муддатдир. Чамаси, нуқтаи назарларимизни яна бир бор қиёслаб олиш зарурати бор.

Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг жўшқин ривожланиб бораётганлиги ҳам бизни шунга мажбур этади. Ижтимоий танглик хатарли маррага келиб қолди, бундан ортиғи вайронгарчилик келтирувчи ижтимоий оқибатларга олиб бориши мумкин.

Ижтимоий кучларнинг қутблашуви, уларнинг қарама-қарши туриши яққол кўриниб қолди. Мамлакат ғайрикоммунистик кучларнинг фаол ҳужуми даврини бошдан кечирмоқда. Ҳа, улар ўзларини қандай «демократик» ниқобларга яширмасинлар, уларни айни ғайрикоммунистик кучлар, деб атамоқ керак. Уларнинг мақсади равшан — мамлакатни тартибсизлик ва бошбошдоқликка дучор қилишни, социализм тарафдорларини ҳокимиятдан четлаштиришни ва шу тўлқин юзасида ўзлари ҳокимият тепасига чиқиб олишни мўлжалламоқдалар.

Шу йилнинг январь—март ойларида минтақалараро гуруҳ бошчилигидаги оппозициянинг фаоллиги кескин кучайди, у ҳокимият учун курашда ҳужумкорлик ҳаракатларига ўтди.

Иқтисодий аҳвол ёмонлашиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бораётган ва шу муносабат билан жамиятдаги кескинлик, фуқароларнинг эртанги кундан умидсизлиги кучайиб бораётган шароитда мазкур гуруҳ бу йил ҳокимият тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйиб, масалани ўз фойдасига ҳал этиб олиш учун амалий имконият пайдо бўлди, деб ҳисоблай бошлади.

Москвада, бошқа катта шаҳарларда кўп кишилик митинглар уюштирилмоқда, «эркин ва демократик» деб аталган матбуот орқали афкор омма зўр бериб чалғитилмоқда, сиёсий иш ташлашларга, фуқаролар итоатсизлигининг бошқа оммавий ҳаракатларига иғвогарона чақириқлар янграмоқда. 17 мартдаги референдумни барбод этиш, яқинда матбуотда эълон қилинган Иттифоқ шартномаси лойиҳасини бадном қилиш учун зўр бериб уринмоқдалар.

Иш шунгача етиб бордики, Россия парламентининг раҳнамоси Б. Н. Ельцин СССР Президенти истеъфога чиқсин, деб айтган талабларидан кейин шу йил 9 март куни Москвадаги Кино уйида сўзлаган нутқида ўз тарафдорларини ошкора курашга, Иттифоқ ҳокимият идораларини зўрлик билан четлаштиришга очиқдан-очиқ даъват этди.

Тўғрисини айтсам, ижтимоий-сиёсий вазият хусусида бизнинг ўз нуқтаи назаримиз бор. Бусиз ҳам мамлакат хатарли фуқаролар уруши ёқасига жуда яқинлашиб қолди. «Демократлар» деб аталган бир қанча раҳнамоларнинг масъулиятсиз хатти-ҳаракатлари кўзлаётган мухолифликнинг янада кучайиши мана шу хавфни даҳшатли ҳақиқатга тўғридан-тўғри айлантириб юборади. Бу нарса давлатни барбод қилишгагина эмас, балки энг даҳшатлиси, юз минглаб кишиларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини таҳлика остига солишга ҳам олиб боришини, ниҳоят, ҳамма тушуниб оладиган пайт келди.

Марказий Комитет Бюроси, республика раҳбарияти янги чиққан «демократлар»нинг бузғунчилик фаолиятини кескин қоралайди. Мамлакатдаги воқеаларнинг ривожи ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун (қайта қуришнинг мақсади ҳам ислоҳотлар қилишдан иборат) барқарор ижтимоий-сиёсий вазият, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий иноқлик, турмушимизнинг барча соҳаларида интизом ва тартиб бирламчи шартдир, деб XXII съездда чиқарилган хулосалар тўғрилигига бизни яна бир бор ишонтирмоқда. Ўзбекистонда айни мана шундай муҳит тобора кўпроқ қарор топаётганини эса ўзимизнинг энг катта ютуғимиз, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўтказаётган мана шу сиёсий йўл КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг партиянинг раҳбарлигини қайта тиклаш ва уни ташкилий-сиёсий бошқариш тўғрисида январь ойида бўлиб ўтган бирлашган Пленумида чиқарилган хулосалар ва фикрлар билан бевосита мос бўлиб тушмоқда.

Шу сабабли ҳозирги бош вазифа — ҳамма жойда бизнинг Ҳаракат дастуримизни амалга ошириш соҳасида зўр ғайрат билан аниқ мақ-

(Давоми иккинчи бетда).

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг 11 март куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг қарорларини тарғиб қилиш ва тушунтириш юзасидан Хоразм вилоят партия комитетининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида вилоят партия комитети, партия комитетлари ва ташкилотлари съезд қарорларини тушунтириш юзасидан муайян иш олиб борганлиги таъкидланди. Шу билан бирга меҳнат жамоаларидаги, аҳоли истиқомат жойларидаги учрашувлар, ижтимоий тадқиқотлар оддий меҳнаткашлар, ёшлар съездларда қабул қилинган қарорларни, республика коммунистларининг Ҳаракат дастурини яхши тушунмасликларини, ушбу қарорларни бажариш соҳасида Марказий Комитет, партия комитетлари фаолиятидан етарли хабардор эмасликларини кўрсатди.

Вилоят партия комитети партия анжуманлари қарорларини тарғиб қилишни энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни амалий ҳал этиш билан бирга қўшиб олиб бора олмади. Ўтган йили умуман вилоятда меҳнат унумдорлиги, хўжаликларнинг рентабеллиги пасайди, планда кўзда тутилганига нисбатан 7,5 миллион сўм кам фойда олинди. Ўзбекистон ССР Президентининг шахсий ёрдамчи хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармонлари тўла даражада бажарилмаяпти. Қишлоқ жойларда касаначилик меҳнатини ривожлантиришга, кичик-кичик корхоналар ташкил этишга, фуқароларнинг шахсий томорқаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишга оид ишлар суст олиб борилмоқда. Вилоятда жиноятчилик кўпаймоқда, бу эса аҳолида ташвиш ва норозилик уйғотмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар муайян даражада партия комитетлари ва ташкилотлари сиёсий ишларни сусайтириб юборганликларининг натижаси эканлиги таъкидланди. Вилоят, шаҳар, район партия комитетлари иш услуби ва усулларини сустлашлик билан қайта қурмоқдалар.

Бюро ва Котибият давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда ҳокимият ваколатларини бажаришдан воз кечиш ўрнига ўз мажлисларида кўпинча фақат хўжалик масалаларини муҳокама қилмоқда. Кўпгина раҳбар коммунистлар илгаригидек маъмурий-буйруқбозлик услубига амал қилмоқдалар, бошқарувнинг иқтисодий усулларини бажонидил ўрганмаяптилар. Омма орасида ғоявий-сиёсий иш олиб боришдан ўзларини четга олмоқдалар. Кадрлар масалаларида ошкоралик сезилмаяпти, ўз обрўйини тўкиб қўйган ходимлар масъулиятдан четлатилмоқда, бир раҳбарлик лавозимидан бошқасига ўтказилмоқда, бу эса одамларни ғазаблантирмоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилмаяпти, фуқароларнинг шикоятларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари тез-тез учраб турибди.

Қабул қилинган қарорда Хоразм вилоят партия комитети ва унинг Бюроси КПСС XXVIII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг қарорларини тарғиб қилиш ва тушунтириш юзасидан самарали иш олиб борилишини таъминламаганликлари, бу ишни Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришга доир амалий фаолият билан қониқарли боғлаб олиб бормаётганликлари таъкидланди. Марказий Комитет Бюроси вилоят комитети бюросини, биринчи котиб ўртоқ Р. М. Худойбергановани ишда аниқ камчиликка йўл қўйган раҳбар коммунистларга нисбатан талабчан бўлмаслик сиёсатини давом эттиришга, ўзини обрўсизлантириб қўйган кадрларни масъулиятдан четлаштириш ва бошқа ишга тайинлашга, вилоятдаги маънавий-руҳий вазиятни издан чиқараётган кишиларга нисбатан муросасозлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслигидан огоҳлантирди.

Хоразм вилоят партия комитетига бир ой муддат ичида мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди. Меҳнаткашларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини бажариш, меҳнат жамоаларида ва умуман вилоятда умумий маънавий-сиёсий муҳитга қараб тарғибот-ташвиқот фаолияти натижаларига баҳо бериш партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларидан талаб қилинсин. Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари вазифасини бажаришга қатъиян барҳам берилсин. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, ижтимоий адолат қоидаларига риоя этишга сиёсий таъсир кучайтирилсин.

Маҳаллаларда, ёшлар орасида, шунингдек партия ташкилотлари бўлмаган меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида партиявий таъсир самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблансин. Шу мақсадда оғзаки ташвиқот, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилсин, ҳар бир меҳнат жамоасига, ўқув юртига партия ходимлари, сайлаб қўйиладиган идораларнинг аъзолари, депутат коммунистлар, мафкуравий соҳа фаоллари орасидан масъул кишилар бириктириб қўйилсин. Тартиб ва уюшқоқлик мустаҳкамланиши, қатъий меҳнат ва давлат интизомига риоя этилиши учун раҳбар коммунистларнинг шахсий жавобгарлиги оширилсин.

Мажлисда «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг собиқ бошлиғи ўртоқ Н. Р. Ҳамроевнинг аризасини кўриб чиқиш натижалари муҳокама қилинди. Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссияси билан Марказий назорат комиссиясининг мазкур масала юзасидан чиқарган хулосалари ҳамда таклифларига қўшилди. Марказий Комитет Бюросида 1988 йилда раҳбар коммунист Н. Р. Ҳамроевнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилишда Устав талаблари қўпол бузилганлиги ва коммунистнинг ҳуқуқлари жиддий камситилгани, унга қўйилган айблар етарли даражада асосланмаганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг «Н. Р. Ҳамроевни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва мукофотлардан маҳрум этиш хусусида илтимос қилиш тўғрисида»ги қарорини хато қарор, деб бекор қилишга қарор берилди. СССР Олий Кенгашидан Н. Р. Ҳамроевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини, учта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденларини, «Шавкатли меҳнати учун. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш шарафига» медалини қайтариб бериш тўғрисида илтимос қилинадиган бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига Н. Р. Ҳамроевни «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвонидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқиши таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг собиқ ўринбосари ўртоқ Б. Р. Раҳимовга нисбатан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияси билан Марказий назорат комиссиясининг аризасини кўриб чиқиш натижалари ҳам муҳокама қилинди. Марказий Комитет Бюросида коммунист Б. Р. Раҳимов фаолиятидаги камчиликларни кўриб чиқиш вақтида Устав талаблари бузилишига ва КПСС аъзоси ҳуқуқлари жиддий камситилишига йўл қўйилганлиги таъкидланди. Уни кейинчалик жиноий жавобгарликка тортиш, тўққиз ой мобайнида қамоқда сақлаш ғайриқонуний бўлган, жинояти йўқлиги сабабли Б. Р. Раҳимовга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатиш тўғрисидаги СССР прокуратурасининг қарори буни тасдиқлайди.

Марказий Комитет комиссияси билан Марказий назорат комиссиясининг хулосалари ва таклифларига қўшилган Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг «Б. Р. Раҳимовни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонидан ва мукофотлардан маҳрум этиш хусусида илтимос қилиш тўғрисида»ги қарорини хато ва шошма-шошарлик билан қабул қилинган қарор, деб бекор қилишга қарор берди. СССР Олий Кенгашидан ўртоқ Б. Р. Раҳимовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини, учта Ленин ордени, Октябрь революцияси, иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, «Ҳурмат Белгиси» орденини ва СССР медалларини қайтариб бериш, шунингдек СССР Вазирлар Кенгашининг комиссиясидан ўртоқ Б. Р. Раҳимовни Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсиядан маҳрум этишга тааллуқли фармойишини бекор этиш тўғрисида илтимос қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига ўртоқ Б. Р. Раҳимовни «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Марказий Комитет Бюросида жумҳурият Компартияси ички партиявий турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

НАВРЎЗ ИЙҚЛАМАСИ

## АЖДОДЛАРДАН ҚОЛГАН БАЙРАМ

МЕН гарчи тарихчи бўлмасам-да, Наврўз улуғ айём сифатида бизнинг эрамизгача байрам қилинганлигини биламан. Бу қадимий халқ байрами бизга аждодлардан мерос, қутлуғ анъанадир. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида санаи муборак — Наврўзи оламни кутиб олишга тайёргарлик кетмоқда.

Бундай тадбирлар вилоятимизнинг Янгийўл шаҳрида ҳам олиб борилмоқда. Наврўз байрамини ўтказиш, халқ сайилларини ташкил қилиш бўйича шаҳар ижроқўми раиси Э. Э. Йўлдошев бошчилигида комиссия тузилган. Мен у кишига бир неча савол билан мурожаат қилдим.

— **Эркин ака, комиссиянинг асосий йўналиши ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Комиссия ўн етти аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига халқ депутатлари, ҳуқуқ-тартибот, савдо, умумий овқатланиш ва маданият ташкилотларидан мутасаддилар, маҳалла-мавзе раислари киритилган.

Маълумки, ҳозирги кунда озиқ-овқат, айниқса, гўшт маҳсулотлари билан аҳолини таъминлаш масаласи анча муаммоли бўлиб турибди. Бу муаммоларни ечиш, байрамни кўнгилдагидек қилиб ўтказиш комиссиямизнинг асосий йўналишидир.

— **Озиқ-овқат, гўшт маҳсулотларига бўлган талабларни қондириш мумкинми?**

— Биз шаҳримиздаги маҳаллалар, мавзе, корхона ва мактаблардан зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ҳақида сўровномалар олдик. Қайси жойга қанча гўшт, ун, шакар, қанд, гуруч зарур эканини аниқлаб, ҳар бир сўровнома асосида маҳсулотларни тақсимлаб чиқдик. Бугун-эрта уларни тарқата бошлаймиз. Шунингдек 21 март куни «Алишер Навоий гулшани» (собиқ Пушкин номли) истироҳат боғида катта халқ сайли ўтказилади. Бу сайилда савдо расталари ташкил қилиниб, аскиячилар, турли ашула ва рақс дасталари ҳам иштирок этадилар.

Суҳбатни Янгийўл шаҳар ижроия қўмитаси ишлар бошқарувчиси Э. Н. Исамуҳамедов билан давом эттирдик:

— **Эргаш ака, Наврўз байрамини неча кун нишонламоқчисизлар?**

— Асосийси 21 март кунига белгиланган. Аммо бу байрам 19 мартдан бошлаб ўн кун давомида шаҳримиздаги барча маҳалла, мавзе ва ташкилотларда ўтказилади. Биз Наврўз байрамини Хотира кунигача нишонлаб бормоқчимиз. 31 март куни «Олтинобод» масжидида Хотира кунига бағишлаб катта йиғин ўтказамиз. Шундан бир кун аввал, яъни 30 март куни Наврўз тантаналарига якун ясаймиз. Аммо бу тантаналарни бутунлай тўхтатамиз дегани эмас. Сумалак, ҳалимлар пиширилаверади, демак, Наврўз ҳам нишонланаверади.

**Дилмурод САИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг ўз мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

садни кўзлаб қилинаётган ишни авж олдиришдан, шу дастурдаги энг муҳим қоидаларни изчиллик билан турмушга татбиқ этишдан, бу ишда барча поғоналардаги Советларда ҳақиқий кўпчиликка таянишдан, меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида коммунистларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ва таъсирини кенгайтиришдан иборат.

### I.

**Иттифоқ шартномасига** муносабат тўғрисидаги масала сиёсатимизнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Ҳаракат дастурида Ўзбекистон Компартияси суверен тенг ҳуқуқли давлатларнинг янги Иттифоқ шартномаси тарафдори эканлиги аниқ белгиланган. Ҳар бир кишининг, барча миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз давлати тақдирини ўзи белгилашда уларнинг хоҳиш-иродасини ихтиёрий ифодалаш Иттифоқ шартномасининг энг муҳим қоидаларидир.

Дарҳол шуни айтмоқчиманки, Иттифоқ шартномасини имзолаш учун энг қулай пайт қўлдан бой бериб қўйилди. Икки йил муқаддам бу масалани кўтарган кишиларнинг овозига ҳеч ким қулоқ солмади. Марказ 1922 йилдаги шартномага маҳкам ёпишиб олиб, оқилона таклифларни қабул этмади, ишни пайсалга солди.

Агар биз ўша пайтда келажак ҳақида ўйлаб кўриб, яккаҳокимлик давлати сиёсатидан, буйруқбозлик-маъмуриятчилик услубидан ва шундай раҳбарлик усулларидан воз кечиб, республикаларга ва маҳаллий маъмуриятларга қонуний ҳуқуқларни, мустақилликни бериб қўйганимизда эди, ҳозирги мушкул аҳволдан, ижтимоий ва миллатлараро кескинликнинг баттар кучайишидан бирмунча қутилиб қолган бўлар эдик. Ишламайдиган қонунлар пайдо бўлмас эди, марказ билан республикалар чиқарган қонунлар ўртасида зиддиятлар чиқмаган, аксинча, улар бир-бирини тўлдирган бўлур эди.

Хўш, вужудга келаётган ҳамма ҳолатларни эътиборга олганда, бизнинг бу масаладаги ҳозирги нуқтаи назаримиз қандай?

Аввало қуйидагиларни эътиборга олиш зарур. Республиканинг иқтисодий аҳволи ҳаддан ташқари оғир, ҳал этилмаган бир талай муаммолар тўпланиб қолган. Аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий ва истеъмол таъминоти даражаси паст, ишлаб чиқарувчи кучлар бир ёқлама, нокомплекс ривожланган, иқтисодиётнинг бир тарафи бўртиб кетган, у бошқа минтақаларга жуда қарам бўлиб қолган, бу нарса аввало озиқ-овқат ва саноат молларининг кўпгина қисми бошқа минтақалардан ва чет эллардан ташиб келтирилишига сабаб бўлган, республикадан эса асосан хом ашё материаллари четга чиқарилмоқда. Ишга жойлашмаган кишилар кўп, кўрилаётган ҳамма чора-тадбирларга қарамай, иш жойларининг етишмовчилиги ҳаддан ташқари суст бартараф этилмоқда. Бунинг ёнига экология танглигини, Орол фожиасини, сувли ерлар ва ичимлик сув етишмаслигини ҳам қўшмоқ керак.

Саноат корхоналари ва ношлаб чиқариш соҳаси ҳаддан ташқари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мана шуларнинг ҳаммасини қайтадан барпо этиш ёки замонавий талаблар даражасига чиқариб олиш учун кўп маблағ керак.

Бундан ташқари, бизнинг халқ хўжалигимиз Иттифоқ корхоналари билан минглаб ришталар билан боғланган. Шу алоқалар узилса, кўпгина корхоналар тўхтаб, одамлар ишсиз қолади. Бир нарса равшан: ҳозир Ўзбекистон ўз олдида турган муаммоларни ўзи ҳал эта олмайди. Биз бошқа минтақалар ва марказнинг ҳамкорлиги ҳамда ёрдамига таяниб, аввало ўзимизда етарли бўлган табиий, минерал-хом ашё бойликларидан, қишлоқ хўжалиги ва меҳнат ресурсларидан тўла-тўкис, оқилона фойдаланиш ҳисобига республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифасини ўз олдимизга қўйишимиз лозим. Куч-ғайратларимизни биринчи галда мамлакатимизнинг ва чет элларнинг илғор техникаси ҳамда технологиясини жалб этиб, одамлар яшайдиган жойларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик-кичик ихчам, замонавий корхоналарни қуришга сарфлашимиз керак. Маданият ва таълим, одамлар турмуши соҳасини ривожлантириш учун зарур манбаларни топишимиз лозим.

Кадрларимизни, йигит ва қизларимизни ўқитиш ҳамда қайта ўқитишдек биринчи галдаги вазифани ҳал қилиш ҳам керак, албатта. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишларга вақт ва катта маблағ керак бўлади.

Олдимизга қўйган мақсадга эришиш йўлидаги принципиал куч-ғайратларимиздан бири республиканинг барча бойлиги ва барпо этилган жамики ишлаб чиқариш, фан-техника салоҳияти фақат республиканинг мулки бўлишига эришишдан иборат. Биз чет эллар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалар соҳасида мустақил сиёсат юритиб, ҳаракатларимиз стратегиясини бошқа республикалар ва умуман Иттифоқ билан мувофиқлаштириб боришимиз лозим. Шу билан бирга, оқилона мулоҳазаларга ва шартномавий битимларга асосланиб, мудофаа, космос, ядро тадқиқотлари, алоқа воситалари, темир йўл транспорти, ҳаво флоти ва шу каби бошқа тармоқлар, чамаси, бошқа республикалар билан биргаликда бошқарилиши ёки марказ қарамоғига топширилиши лозим.

Яна бир талай бошқа принципиал масалалар ҳам борки, биз шу масалалар юзасидан биргаликда қарорлар қабул қилишимиз керак. Ҳозир янгиланган федерация доирасида Ўзбекистоннинг мустақиллигига эришиш вазифаларига энг кўп даражада мос бўлиб тушадиган ҳужжатнинг нусхасини ишлаб чиқиш сари аниқ силжишлар бошланди. Иттифоқдош ва мухтор республикалар биргаликда қилган ишнинг умумлашма натижаси матбуотда эълон қилинди.

Бизнинг вазифамиз Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши Ўзбекистоннинг тақдири ҳал бўладиган шу масалада ўз нуқтаи назарига ғоят билимдонлик билан эга бўлиши учун ҳар томонлама тушунтириш ишларини ўтказишдан иборат.

Энди эълон қилинган шартнома лойиҳаси муносабати билан 17 март куни референдумга борадиган ҳамма кишилар ўзлари ёқлаб овоз беришлари лозим бўлган Иттифоқ тўғрисида равшанроқ тасаввурга эга бўлиб, ўз фуқаролик бурчларини бажаришлари мумкин. Аҳолимизнинг жуда кўпчилиги Иттифоқни сақлаб қолишни ёқлаб овоз беришига шубҳам йўқ.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати бу масаланинг моҳияти аниқ ва равшан тушуниб олинишини таъминлаш мақсадида Иттифоқ идоралари тасдиқлаган масала билан бир қаторда қўшимча бюллетенни овозга қўйишга қарор қилди. Бу бюллетенга «Сиз Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида қолишига розимисиз?» деган савол қўйилган.

Ҳозир масала мана шундай жуда аниқ ва тушунарли тарзда турибди.

Референдум ҳақида гапирганда, унга қарши ташвиқот қилишга уринаётган кишиларга бирдан-бир шундай саволни бермоқчиман: «Хўш, референдум бюллетенидаги таклифга муқобил таклифингиз борми? Ҳозир халққа таклиф қиладиган бирон-бир режангиз борми? Сизлар одамларни қандай талофатларга, вайронгарчиликларга, барбодликка, қарама-қаршиликка, қон тўкилишига ва одамлар мусибатига даъват қилаётганингизни ўзингиз тушунасизларми?».

Ҳозир одамлар онгига ғулғула солишга уринаётган кишиларнинг ҳаммаси ўзлари турмушда ҳеч нарсани кўрмаган ва бошдан кечирмаган, иқтисодиётни ҳам, сиёсатни ҳам билмайдиган, ҳозир деҳқон билан ишчининг, ҳар бир меҳнаткашнинг дилида қандай ният борлигини билмайдиган, ўз нафсониятлари йўлида одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини, оилаларимиз ва фарзандларимизнинг хавфсизлиги, омонлиги ва келажагини қурбон қилишга тайёр бўлиб турган кишилардир.

Республика партия комитетлари ва ташкилотлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини одамлар онгида миллатлараро можароларни ва ер даъволарини бартараф этишнинг, ҳар бир фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг, Федерациянинг алоҳида ҳар бир субъекти қурби етмайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни биргаликда ҳал этишнинг бирдан-бир имконияти референдумдаги саволга ижобий жавоб бериш кераклигини қарор топтиришга сарфлашлари зарур.

Иттифоқнинг бузилиши ҳуқуқий тартибсизлик хавфи эканлигини ишонарли тушунтириб бериш лозим, бундай хавфнинг дастлабки кўринишларини ажрамачилик муддаолари, иқтисодий ва хўжалик алоқаларининг бузилиши натижасида ҳозироқ сезиб турибмиз. Айни суверен мустақил республикаларнинг янгиланган Иттифоқи бу республикалар ҳар бирининг эркин ривожланиши учун шарт-шароит ва кафолатдир.

Менимча, бугун биз пленумда республиканинг коммунистларига, бутун аҳолисига мурожаатнома қабул қилсак тўғри бўлади. Ҳозирги сиёсий турмушнинг ушбу асосий масаласи хусусида ўз позициямизни баён қилиб бердик. Ҳар бир кишини референдум куни кўп миллатли давлат тақдири учун масъулиятни тўла англаб овоз беришга чақирдик.

### II.

Ҳозир биз ўзимиздан: ўтган давр мобайнида XXII съездда қабул қилинган ҳаракат дастури йўл-йўриқларини бажариш учун нималар қилинди, деб сўрашга ҳақлимиз.

Олий Кенгаш мулкчилик, корхоналар, омилкорлик тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти, солиқ солиш ва солиқ инспекцияси ҳақидаги республика қонунларини қабул қилди ва улар амалга оширилмоқда. Олий ижроия ҳокимият системаси тубдан ўзгартирилди. Саккизта йирик халқ хўжалик комплекслари ташкил этилди, бир қанча республика вазирликлари ва идоралари янги асосда қайтадан тикланди, янги концернлар ва уюшмалар барпо этилди. Яқинда моддий-техникавий таъминотга янгича ёндашувлар тўғрисида Фармон қабул қилинди.

СССР Давлат банкининг бўлими қайта ташкил этилиб, Ўзбекистон ССР Марказий банкига айлантирилди, энди у республиканинг бошқа банклари билан биргаликда Иттифоқ банклари ва бошқа республикаларнинг банклари билан ўз муносабатларини шартнома асосида қуради. Тижорат ва акционерлик банклари ривож топади.

Биз иқтисодиётнинг кўп укладлилиги йўлига қатъий ўтиб олдик. Бунда республика давлат мулки билан бир қаторда (табиат ресурслари ва халқ хўжалигининг базисли тармоқлари республика давлат мулки бўлади) коллектив, акционерлик ва хусусий мулк тенг ҳуқуқли асосда ривожланиши лозим.

Халқ хўжалиги тармоқларининг кўпида ижара муносабатлари, кооперативлар янада ривожланди. Ҳозир чорвачиликда 6,2 мингта деҳқон хўжалиги мавжуд, деҳқончиликда банд бўлган кишиларнинг 80 фоизи ижара ва оила пудрати асосида ишламоқда.

Деҳқончилик — саноат комплекси иқтисодиётида кўп укладлилик ғоясини қўллаб-қувватлаб, уни ривожлантирар эканмиз, барибир биз ҳозирги пайтда жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари деҳқончилик соҳасининг асосий бўғини бўлиб қолади, деб ҳисоблаймиз. Ижарачиларни уюшмаларга, акционерлик жамиятларига бирлаштириш ҳисобига уларнинг имкониятлари тўла даражада намоён бўладиган иқтисодий шарт-шароитни яратиш лозим.

Биз Ўзбекистон шароитида давлат назорати остида бўладиган ва қонун доирасида иш олиб борадиган чоғроқ майда хусусий корхоналар истеъмол бозорини моллар билан ва хизматлар билан тўлдиришга, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга кўмаклашиши мумкин, деб ўйлаймиз. Бундай шароитда улар социалистик негизларга путур етказмайди, аксинча иқтисодий тангликдан чиқишда сезиларли ёрдам беради.

Афсуски, республика маҳаллий саноат вазирлигидан ташқари бу соҳада жуда кам иш қилинди. Бу вазирлик район саноат комбинатлари, филиаллар ва цехларнинг кенг тармоғини вужудга келтирди ва яна кўпгина бошқа ишларни амалга оширди. Енгил саноат вазирлигида (ўртоқ А. С. Икромов) бошқа вазирликлар ва идораларда, вилоятларда нима учун бу тажриба жорий этилмаяпти?

Ҳозирги вақтда республикада чакана савдо корхоналарининг ҳозирча атиги 76 тасини, 54 та умумий овқатланиш корхонасини, 1,1 мингта маиший хизмат кўрсатиш корхонасини давлат тасарруфидан чиқариш белгилаб қўйилди. Бошқача қилиб айтганда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш муаммосини бир йўла ҳал қилиш мумкин эмаслиги равшан бўлиб қолди. Бу узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу жараённи бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш юзасидан жиддий иш олиб бориш лозим бўлади. Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат аҳли қўлига ўтиши учун қаттиқ давлат, ишчи, деҳқон назорати керак.

Қўшма корхоналарга келганда эса, уларнинг сони ва ишлаб чиқараётган маҳсулоти хажми икки баравар кўпайган бўлса ҳам, улар республика иқтисодиётига амалда таъсир ўтказмади. 170 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 14 та корхона ишлаб чиқараётган жами маҳсулотнинг 90 фоизи «Совпластитал», «Вариант» ва «Тошинтерм» қўшма корхоналари улушига тўғри келади. Умуман чет элга чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми ҳамон хом ашё ва материаллардан иборат.

Бозор талабларини таҳлил қилмай туриб рақобатчи фирмаларнинг муқобил таклифларини олдиндан ўрганиб чиқмай, уларга эксперт баҳосини олмай туриб, битим тузиш, валютани совуриш кўпгина корхоналар ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолиятига хос бўлган камчиликлардир. Натижада кўпинча чет элдан ускуналар, техника ва бошқа моллар қиммат нарх билан сотиб олинмоқда, лойиҳа ва қурилиш ечимлари олдиндан пухта ўйланмаяпти, бу эса улардан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда энг асосий вазифа ҳаракат дастуримизнинг принципиал қоидаларига таяниб, пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш, юз берган номутаносибликларни бартараф этишга доир куч-ғайратларни изчиллик билан авж олдиришдан, ишлаб чиқаришнинг тўла даражада тайёр ва рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилиш мақсадида иқтисодиёт структурасини қайта қуришдан, республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг эҳтиёжларини тўла қаноатлантиришдан иборат.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида юксак интизом, тартиб, барқарорлик бўлган шароитдагина шу йўналишда ҳаракат қила олишимизни яхши биламиз. 1990 йилнинг якунлари масалани шу тарзда қўйишнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Бошқа кўпгина минтақалардан фарқли равишда бизда ҳосил қилинган миллий даромаднинг ўсиши сақланиб турибди. Қиймат кўрсаткичлари жиҳатидан республика ўз мажбуриятларини 98,5 фоиз бажарди, ҳолбуки Иттифоқ бизга нисбатан ўз мажбуриятларини 57-58 фоиз бажарди. Ўтган 1990 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобида 7,3 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, ёқилғи-энергетика, кимё-ўрмон, деҳқончилик-саноат комплексларида, машинасозликда янги йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Ҳосил нобуд бўлмади, у энг қулай муддатларда йиғиштириб олинди. Биринчи марта ўн минглаб талабалар ва мактаб ўқувчиларини далага олиб чиқишга ҳожат қолмади. Бунинг устига пахта майдонларини анча камайтириб, амалда ўтган йиллар даражасида ҳосил олдик.

Катта қийинчиликларга қарамай, одамлар турмушини ҳақиқатда яхшилашнинг бир қанча масалаларини ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Республика ҳукумати республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қўшимча равишда 460 миллион сўм ажратиш учун имкониятни қидириб топди ва маблағ аҳолининг кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун сарфланди. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, ўтган йили деярли 500 минг киши иш билан таъминланди, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари — гўшт ва сут истеъмол қилиш даражаси ошди.

Бу рақамларнинг ҳаммаси пленум қатнашчиларига маълум, албатта. Мен бу рақамларни Ўзбекистон Компартияси сайловолди дастурини бажариш, унинг ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан нималар қилинганини кўрсатиш учун яна бир бор айтиб ўтяпман. Сўз билан иш фарқ қилмаслиги учун, иқтисодий мустақиллик йўлидан олға томон чинакам ҳаракат қилиш учун республика коммунистлари ҳамма ишни қилишга тайёрдирлар.

Республика ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиш натижаларини умумлаштириб шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда иқтисодиёт соғломлашувининг айрим белгилари кўзга ташланиб қолган бўлса ҳам ўн биринчи беш йилликда кучайиб бораётган салбий тамойилларнинг таъсирини узил-кесил бартараф этишга муваффақ бўлинмади. Ўтган йилнинг ўзидагина бир миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилмай қолди. Ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган 86 иншоотдан атиги 40 таси ишга туширилди, бу эса режалаштирилган кўп миқдордаги иш жойларини барпо эта олмадик, демакдир, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, бу йил янги қувватларни режалаштирилган муддатларда ишга тушириш барбод бўлиши оқибатида деярли 500 миллион сўмлик миллий даромадни кам оламиз. Кўриб турибсизки, зарар кам эмас.

Шу билан бир вақтда ўтган йили саноати етарли даражада ривожланмаган Сирдарё, Наманган, Хоразм каби вилоятларда ва Қорақалпоғистон АССРда саноатнинг улуши кўпаймади.

Холбуки, айни шу минтақаларда банд бўлмаган меҳнат ресурслари мавжуд, аҳоли турмуш даражаси нисбатан пастлиги кўзга ташланиб турибди.

Магазинлар пештахталарининг бўшлиги, нарх-навонинг ошиб бораётганлиги аҳволни чигаллаштирмоқда. Ана шундай бир пайтда республикада порахўрлик, чайқовчилик фактлари юз бермоқда, турли-туман пинҳоний корчалонлар ва «рэкетирлар» фаолияти кучайиб кетди.

Албатта, бундай аҳволни сақлаш учун кўплаб аниқ сабабларни келтириш мумкин. Ҳозир мамлакатимизнинг ҳамма ерида ишлар шундай аҳволдаки, ишлаб чиқариш алоқалари амалда йўқ, халқ хўжалигининг барча бўғинларини моддий жиҳатдан таъминлаш, интизом ва тартиб ниҳоятда ёмон, деб баҳона қилиш мумкин. Лекин бундан ҳеч кимга, энг аввало бутун халққа ва одамларга енгил бўлмайди. Биз уларни ниҳоятда узоқ вақт мобайнида ваъдаларимиз, турли режаларимиз, истиқболда кўзланган мақсадларимиз билан боқиб келдик. Бугун биз ҳаммамиз бир нарсани ўзимизга қаттиқ сингдиришимиз, асаблар таранг тортилганини билишимиз керак: мана-мана, у узилай деб турибди. Фақат халқимизнинг сабр-қаноати, унинг биз аҳволни қўлимизга олганимизга бўлган ишончи, истиқбол режаларини кўраётганимиз ва ана шу режаларни рўёбга чиқариш йўлида изчил олға интилаётганимиз, одамларга ғамхўрлик қилиш бизнинг энг биринчи вазифамиз эканлигига бўлган ишончи бу аҳволдан қутқаради.

Ҳозирги вақтда биз ўн иккита жумҳурият билан ҳукуматлараро иқтисодий битимлар туздик, бу Ўзбекистоннинг ғалла, ёғоч материаллари, металл, халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини бевосита таъминлаш имконини беради. 1991 йилда жумҳуриятимизга маҳсулот ва ресурслар етказиб бериш ҳажми 9,8 миллиард сўмни ташкил этади. Жумҳуриятимиздан 9 миллиард сўмлик атрофида маҳсулотни четга чиқариш кутилмоқда. Маҳсулот ва ресурсларнинг кўпгина турларини етказиб берувчи сифатида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларининг мавқеи ортади, уларнинг юк ташиб келтиришдаги умумий ҳиссаси 25,8 фоиздан 1991 йилда 36,6 фоизга кўтарилади. Бу иқтисодиётни ривожлантиришнинг аниқ-равшан масалаларини қандай ҳал этиш мумкинлиги ҳақида келтирилган биргина мисолдир, холос. Қардош жумҳуриятлар билан шартномалар ғалла, гўшт, қанд-шакар, бошқа маҳсулотлар олишга кафолат беради. Бу йил озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишнинг қисқартирилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қиламиз.

Мамлакатдаги аҳвол умуман беқарорлашиб бораётган, афтидан, танглик чўққисидан тушилмаган ҳозирги шароитда биз учун халқнинг турмуш даражаси кескин пасайишига ва жамият иқтисодий жиҳатдан табақаланиб кетишига йўл қўймасликдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

Бунда, энг ўткир ижтимоий муаммолар мажмуини ҳал этишнинг энг таъсирчан воситаси сифатида — оилаларнинг ўзини ўзи таъминлашини яхшилаш, бозорни моллар билан тўлдириш, аҳолининг банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлаш, уй-жой муаммоси ҳал этилишини тезлаштириш воситаси сифатида томорқа ерларини кўпайтириш алоҳида ўрин тутиши керак ва бу ҳақда бир неча марта гапирилган. Пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига қишлоқ аҳолисига 180 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди. 580 мингдан ортиқроқ оила ер участкалари олди, 932 минг оила ўз ерини кенгайтирди. Аҳолига бузоқ ва парранда, ем-хашак сотиш кенг миқёсда ташкил этилди.

Ана шу тадбирлар туфайли 1990 йилда шахсий хўжаликларда етиштирилган ялпи маҳсулот аввалги йилга нисбатан қарийб 300 миллион сўмга кўпайди. Ер беришни ва унинг миқдорларини кўпайтириш ҳисобига одамларнинг анча қисми, энг аввало қишлоқ аҳли фаол меҳнатга жалб этилди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш — мустақил деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳамда жумҳуриятимиз шароитида ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунни амалга оширишнинг энг оқилона шаклларидан биридир. Шу йилнинг ўзидаёқ уларга яна 108 минг гектар ер ажратиб бериш режалаштирилмоқда.

Партия ташкилотлари, коммунистлар бундан кейин ҳам фуқароларнинг шахсий хўжаликларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак бўлади. Боғдорчилик ва полизчилик, саноат корхоналарининг ёрдамчи қишлоқ цехлари янада ривожлантирилиши лозим.

Ёки бизда илгари ҳам ниҳоятда кескин тус олган иш билан таъминлаш муаммосини олиб кўрайлик. Эртага аҳвол қандай бўларкин? Ўзингиз ўйлаб кўринг. Ўтган молия йилида 437 та корхона ва ташкилот зарар кўриб ишлади. Бундай корхоналар ва ташкилотлар собиқ Давлат кооператив қишлоқ хўжалик комитетида (78 та), Енгил саноат вазирлигида (17 та), Қурилиш вазирлигида (11 та) анча кўпдир. Уларнинг тақдири қандай бўлади? Бозор қарзни ёқтирмайди, уларнинг кўпчилиги ёпилади, шу сабабдан ҳозирдаёқ иш билан банд қилиш, меҳнат биржалари ишини ташкил этиш масаласини ўйлаш зарур.

Биз бозор муносабатларига ўтиш муттасил чўзиб юборилаётганига жуда қаттиқ қарши чиқяпмиз, шунингдек жумҳуриятимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва чинакам имкониятларини ҳар бир босқичда ҳисобга олмасдан бозорнинг айрим жиҳатларини тиқиштиришдек мушкул аҳволга солиб қўядиган сиёсатга ҳам қаршимиз.

Бирор кишини бефарқ қолдириши мумкин бўлмаган энг ўткир муаммо бу — чакана нархларни ислоҳ қилишга тайёргарлик кўрилаётгани ва аҳолининг турмуш даражасини ҳимоя қилишда у билан боғлиқ тадбирлардир.

Жумҳурият раҳбариятининг бу борада тутган йўли равшан: аввалига одамлар қиладиган сарф-харажат ўрнини қоплаш масалаларини ҳал этиш, шундан сўнг нарх-навони ошириш керак. Бизни маошга яшаётганларнинг: ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар ва ўқувчилар, ногиронлар ва пенсионерлар, кўп болали оналарнинг аҳволи ташвишга солади. Компенсация омиллари ишлаб чиқилмас экан, нарх-наво оширилмайди. Бу турган гап.

Жумҳуриятимиз шароитида ана шу мураккаб муаммоларни ҳал этишга доир асосий ёндашувлар Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилди. Мен ана шу масаланинг фақат икки жиҳатига қўшимча равишда тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш системаси узлуксиз амал қилиши учун маблағлар ва ресурсларнинг манбалари хусусидаги масала принципиал аҳамиятга эга. Бу ўринда бир қанча йўналишларда ҳаракат қилиш зарур кўринади.

Корхоналарнинг ресурслари уларнинг ўз меҳнат жамоаларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бевосита иштирок этиш йўли билан, шунингдек солиқ солиш омиллари орқали ишга туширилиши лозим. Ана шу маблағлар ҳажмини корхоналар рентабеллигини оширмасдан, демак, асосий ишлаб чиқариш бўғинининг мустақил ва самарали ишлашига халақит берадиган маъмурий-буйруқбозлик системаси қолдиқларини қатъиян бартараф этмасдан кўпайтириб бўлмайди.

**Иккинчи.** Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг асосий манбаи бюджет эканлиги шубҳасиз. 1991 йил бюджети принцип жиҳатидан янги ёндашувлар асосида шакллантирилди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг учинчи сессиясида қабул қилинган декларацияга, шунингдек нарх-навони ислоҳ қилиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этиш зарурлигига асосланиб шундай қилинди.

Бундай шароитда давлат бюджетининг харажат қисми 1990 йилга нисбатан кескин — икки баравар кўпаяди. Бу ижтимоий-маданий тадбирларга сарф-харажатлар кўпайиши билан боғлиқдир. Бунда ушбу соҳа ходимларининг иш ҳақини янада кўпайтириш, стипендиялар, пенсиялар ва аҳолига бериладиган бошқа тўловларни ошириш назарда тутилади. Халқ хўжалигига бюджет маблағларидан сарфлаш миқдори анча кўпаяди, бу асосан эндиликда бизда истеъмол қилинадиган барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси нархларидаги фарқни жумҳуриятимиз қоплашига алоқадордир.

Бундай сарф-харажатларни таъминлаш учун бюджетнинг даромад қисмига мутлақо янги моддалар киритилди. Биринчи навбатда, биздан олиб кетилаётган ресурслардан жумҳурият ташқарисида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан олинаётган даромадларнинг бир қисмини ўзимизга бериш тўғрисидаги масалани биз Иттифоқ идоралари билан биргаликда принципиал ҳал қилганимизни таъкидлаш зарур. Бу тахминан 10,7 миллиард сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, савдодан олинадиган солиқ, иш ҳақи жамғармасидан 11 фоизли чегирмалар, ускуналардан фойдаланганлик учун 20 фоизли чегирмалар, ер солиғи ва бошқа шу сингарилар каби янги даромадлар олинадиган бўлади.

Қўшимча даромадларнинг катта қисми қидириб топилишига қарамай, 1991 йилги Давлат бюджети жуда тиғиздир. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг эҳтиёжини қондириш вазифаси бизни онгли равишда ниҳоятда катта харажатлар қилишга мажбур этади. Шу сабабли бюджет камомадидан қутилишнинг иложи бўлмади, у 1,9 миллиард сўм миқдорида ёки барча харажатларнинг 7,5 фоизи миқдорида белгиланди.

Бундай аҳвол биз — коммунистлардан, партия комитетлари, барча даражадаги совет ва ижроия идораларидан ички резервларни излаб топиш ва уларни сафарбар этишда катта масъулият талаб қилади. Бунга, биринчи навбатда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, моддий, меҳнат ва пул ресурсларини қаттиқ тежаш, иқтисодий муносабатларнинг янги шаклларини ривожлантириш асосида эришиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги амалий ишларимиз тўғрисидаги гапларни тугатар эканман, қуйидаги фикрни яна бир марта таъкидлашни хоҳлардим. Биз қатъий равишда марказлаштиришга қаршимиз, лекин бизнинг ҳаракат дастуримиз — мустаҳкам сиёсий ҳокимият қаттиқ интизом, қаттиқ тартиб, иқтисодий жиҳатдан тўла эркинликдир. Фақат шундай шароитдагина бозор муносабатларига ўтиш чоғида одамларни ижтимоий ҳимоя қилишимиз, уларнинг турмуши ва шахсий хавфсизлигини таъминлашга пухта кафолат беришимиз, ички ва ташқи бозорда мустақил иқтисодий шерик сифатида жумҳуриятимизнинг обрўсини оширишимиз мумкин.

### III.

Иқтисодиётдаги, истеъмол бозоридаги танг ҳолатлар, мамлакатимизда сиёсий кучлар қарама-қаршилигининг кескинлашуви жумҳуриятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий муҳитга бевосита таъсир қилмоқда.

Сиёсий мухолифларимизнинг фаолияти аҳволни барқарорлаштиришга мутлақо хизмат қилмайди. Улар муайян қийинчиликларни қурол қилиб олиб, Ўзбекистон Компартиясига ҳужумни давом эттирмоқдалар, ижтимоий онгда коммунистларнинг сиёсий куч сифатида иқтисодиётда кескин ўзгаришларни, маънавий янгиланишни, жумҳурият сиёсий мустақиллигини қўлга киритишни, халқнинг турмуш шароитларини тубдан яхшилашни таъминлай олиш қобилиятига эга бўлмаган қиёфасини шакллантиришга уринмоқдалар.

Мана шунинг учун ҳам бугунги шароитда партия комитетлари фаолиятида тарғиботчилик ишлари, оммавий-сиёсий ишлар биринчи ўринга чиқмоқда. Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурида белгилаб берилган мақсад ва вазифалар теварагида жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантириш ана шу ишларнинг асосий мазмуни бўлиши керак.

Съезддан кейинги даврда партия комитетлари бу йўналишда муайян иш қилдилар. Вилоят, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари биринчи галдаги вазифаларни кўриб чиқди. Съезд делегатлари, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари, мафкура фаоллари съезд ҳужжатларини аҳоли орасида тушунтиришга жалб этилдилар.

Бироқ бу иш кўпинча қисқа муддатли кампания тусида бўлиб, кўпинча ўз олдига қўйилган мақсадга эриша олмади.

Марказий Комитет Бюроси пленум арафасида Хоразм вилоят партия комитетининг съезд қарорларини тарғиб қилиш ва тушунтириш борасидаги фаолиятини кўриб чиқиб, бунга ишонч ҳосил қилди. Одамлар билан бўлган суҳбатлар улар дастур қоидаларини яхши англаб етмаганликларини, партия органларининг амалий ишларидан унча хабардор эмасликларини кўрсатди. Боз устига, ҳатто кўпгина партия ходимлари партиянинг дастурий ҳужжатларини чуқур ўзлаштириб олмаганликлари ҳам аниқланди. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш борасида Ҳаракат дастурига киритилган масалаларни ҳал этишга доир янги ёндашувлар шу сабабдан етарли даражада амалга оширилмагани ҳам тасодифий эмас.

Бу камчиликлар бошқа партия ташкилотларига ҳам у ёки бу даражада хосдир. Шундай бир қонуний хулоса чиқариш мумкин — мафкуравий ишларда ҳозирча сезиларли силжиш бўлмади, у ҳали ҳам кўпинча бугунги куннинг талабларига мос келмайди, натижада одамлар унга эътибор беришмаяпти.

Худди шу сабабли мафкура ишлари самарадорлигини оширишга бутун диққат-эътиборимизни қаратишимиз керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда ташкил этилган ижтимоий-сиёсий муаммолар илмий-тадқиқот илмгоҳининг, Марказий Комитет, вилоят партия комитетлари ижтимоий-сиёсий марказларининг имкониятларидан жамиятимизда рўй бераётган ходиса ва жараёнларни мунтазам тадқиқ ва таҳлил этиш учун, социологик савол-жавоблар ўтказиш, прогнозлар тузиш учун иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарур. Ана шу ишга таяниб, вазиятнинг ўзгаришини тезда илғаб олиш, аҳоли ўртасида сиёсий иш тактикасини ўзгартириш даркор.

Биз одамларни маънавий руҳда тарбиялашга, миллий байрамлар ва анъаналарни тиклашга, юқори малакали ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бу йўналишда дастлабки қадамлар ташланди. Партия идораларининг бевосита иштирокида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантана тадбирлари фаол ўтказилмоқда, ҳамма ерда умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарлик авж олдириб юборилди.

Тошкент давлат дорилфунунининг Шарқ ва фалсафа-иқтисод факультетлари негизида шарқшунослик илмгоҳи тузилди, Фарғона дорилмуаллими дорилфунунга айлантирилди. Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети ҳузурида илмий, муҳандис ва бошқарув ходимларини тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссияси тузилди. Жумҳурият техника олий ўқув юртларида «Ўзбекистон халқлари тарихи» янги дарси ўтилмоқда.

Биз АҚШ, Канада, ГФР, Бельгияга иш ўрганиш учун юборган бир гуруҳ ёш олимлар яқинда қайтиб келишди. Мамлакатимиз ва жаҳондаги етакчи илмий, ўқув марказларига ёш мутахассисларни юбориш иши амалда кенгайтирилади. Шу йилнинг апрелидаёқ махсус топшириқларни бажариб, текширишдан ўтган жумҳуриятимизнинг юзга яқин талабаси Америка Қўшма Штатларига иш билан танишиш мақсадида боради, ўн нафар талаба эса мазкур мамлакатнинг етакчи дорилфунунларида янги ўқув йилини бошлайди. Қобилиятли болаларни излаб топиш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш дастури доирасида 8 та махсус интернат очилди ва бу йил яна 5 та шундай мактабни очиш режалаштирилмоқда.

Лекин ҳал этилмаган муаммолар ҳам кўп. Ҳаракат дастуримизнинг асосий банди бўлган Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди дастурида 1990 йилдаёқ хонадонларда 100 минг болани тарбиялашга мўлжалланган болалар боғчаларини очиш режалаштирилганди, бугунги кунда эса атиги 8 мингтадан кўпроқ ўринга эга бўлган шундай тарбия ўчоқларини очишга эришдик. 1993 йилга бориб авария ҳолатидаги мактабларни тугатиш учун бу мактабларда ўқиётган ўқувчилар сонини ҳар йили 90 минг ўқувчига қисқартириш назарда тутилган эди. Аслида эса икки йил ичида атиги бундай мактабларда ўқиётганлар сони 80 мингга қисқартирилди. Кўриб турибсизки, асосий ишлар ҳали олдинда турибди. Маҳаллий Кенгашларни бошқараётган, маориф, фан ва маданият соҳасида ишлаётган коммунистлар биринчи навбатда ана шу муаммоларнинг қай даражада муҳим эканлигини тушуниб, амалда иш олиб боришлари лозим.

Жумҳурият ижтимоий турмушида дин, давлат—дин муносабатларини такомиллаштириш жараёнлари тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида» янги қонун қабул қилинди. Жумҳурият қонунини тайёрлаш тугатилмоқда, илгари ёпиб қўйилган юзлаб мачитлар диндошларга қайтариб берилди.

**(Давоми учинчи бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).**

Бироқ бошқа нарсани кўрмаслик ҳам мумкин эмас. Гап, биринчи навбатда, Ислом асосида диний-сиёсий партияларни тузишга уринишлар ҳақида бормоқда. Мутлақо кўпчилик диндорларнинг фикрича, бундай уринишлар жамиятга одамларни ажратиб юборишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Бироқ жумҳурият партия идоралари, мафкура муассасалари ўз фаолиятларида рўй бераётган воқеалардан ортда қолишмоқда. Фарғона водийси, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида юзага келган диний вазият бу соҳада жиддий хатоларга йўл қўйилганидан далолат беради.

Кейинги вақтда йигит ва қизларга мачитларда Ислом ақидаларидан таълим бериш кенг тарқалганига ҳам бефарқ қараб туролмаймиз. Бундай машғулотлар кўпинча дарс вақтларида, умумий таълим тайёргарлигига зарар етказган ҳолда ўтказилаётгани ва ҳатто уларни тасодифий кишилар олиб бораётгани ҳам партия комитетларини, халқ таълими идораларини ташвишга солмаяпти.

Биз, шубҳасиз, умуминсоний қадриятлар ва ахлоқни қарор топтиришда диний ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни ривожлантиришимиз лозим. Айни вақтда, ижтимоий онгда диннинг маданиятдаги аҳамиятини эътироф қилиб, маънавий уйғонишни фақат динга тақаш мумкин эмаслиги хусусидаги тушунчани шакллантиришимиз лозим. Маданият ва санъатда чинакам инқилобсиз, кенг оммани, айниқса ёшларни санъат, адабиёт ва меъморчилик, мусиқа дунёсига ошна қилмасдан туриб, миллатни маънавий жиҳатдан чинакамига уйғотиш мумкин эмас.

Бу масалаларнинг ҳаммаси **миллий сиёсатни** изчил ўтказиш билан мустаҳкам боғлиқдир, унинг асосий қоидалари жумҳурият коммунистларининг Ҳаракат дастурида баён этилган.

Ушбу йўналишда ташланган дастлабки қадамлар миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, ўзбек ва жумҳуриятимизда яшаётган бошқа халқларнинг тарихан таркиб топган байналмилал анъаналарини ривожлантириш борасида коммунистлар танлаб олган йўлни аҳоли кенг қўллаб-қувватлаётганини ва вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим омили эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг III сессиясида коммунист депутатларнинг ташаббуси билан қабул қилинган ва миллатлараро нифоқнинг, миллатчилик ва шовинизмнинг пайини қатъиян қирқишга, ҳар бир кишини унинг миллатидан қатъи назар, ҳурмат қилишга, конституцион ҳуқуқларини муҳофаза этишга даъват этадиган «Мурожаатномаси» кўпчиликнинг ижобий баҳосини олди.

Ҳаракат дастурида режалаштирилган мақсадларга мувофиқ миллатлараро муносабатлар соҳасида рўй бераётган жараёнларни бошқаришнинг муайян системаси вужудга келмоқда. Марказий Комитет комиссияси, Марказий Комитетнинг миллий сиёсат бўлими, Ўзбекистон ССР Президенти маҳкамасида миллатлараро муносабатлар бўлими ишлаб турибди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида шундай тузилмаларни ташкил этиш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда.

Биз жумҳурият байналмилал маданият маркази тузилишига, ҳозир ишлаб турган Халқлар дўстлиги музейининг Ўзбекистон ССР халқлари дўстлиги уйига айлантирилишига катта аҳамият беряпмиз. Буларнинг ҳаммаси — жумҳурият ҳудудида иш олиб бораётган 40 та миллий маданият марказининг умумий вазифаларини ҳал этишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш, куч-ғайратларни бирлаштириш борасидаги амалий қадамлардир.

Марказий Комитет аъзолари билан яна бир муҳим масала хусусида маслаҳатлашиб олишни хоҳлардим. Гап В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент бўлими ҳақида бормоқда. Музей иш бошлаганидан бери ўтган 20 йил мобайнида марксизм-ленинизм назарий меросини, Ўзбекистон Компартияси фаолиятини унинг барча босқичларида тарғиб этишда муҳим роль ўйнади.

Шу билан бирга ҳозир ўзига хос хусусиятига кўра, музейнинг имкониятлари чекланиб қолгани кўриниб турибди. Уни тубдан қайта ташкил этиш, сиёсий, илмий, тарихий-маданий муассаса сифатидаги вазифаларини кенгайтириш жуда зарур бўлиб қолди. Шу муносабат билан Ўзбекистон бир қанча олимларининг В. И. Ленин марказий музейи бўлимини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўзбекистон халқлари тарихи музейи билан бирлаштириш, улар негизида Ўзбекистон ССР халқлари тарихи ва дўстлигининг принципиал янги музейини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига эътибор бериш ва қўллаб-қувватлаш керак. Ўзбек халқининг партиямиз ва давлатимиз асосчисига бўлган ҳурматини бажо келтириб, ташкил этиладиган музейга В. И. Лениннинг номини бериш таклиф қилинади.

Бу тадбир энг аввало музей экспозициясини кенгайтиришга, уни илмий жиҳатдан мустаҳкамлашга, ўсиб келаётган авлодни Ўзбекистон халқларининг энг яхши байналмилалчилик анъаналарида тарбиялаш марказига айлантиришга қаратилган.

Партия комитетлари, Советлардаги ва бошқарув идораларидаги коммунистлар миллатлараро муносабатлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Бинобарин, давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай амалга оширилаётганлиги хусусидаги масалани ўрганиш ҳамма раҳбарларнинг ўзлари ҳам қонун-қоидаларни яхши билмасликларини кўрсатди. Жойларда кўпинча камчиликларга йўл қўйилмоқда, қонунни босқичма-босқич амалга ошириш қоидасига риоя этилмаяпти, қонундан келиб чиқадиган вазифаларни режали ҳал этишга доир тайёргарлик ишлари суст олиб борилмоқда. Уларни мунтазам равишда маблағ билан таъминлаш масаласи ҳалигача ҳал этилмаган.

Коммунистлар Ҳаракат дастурида ўзларининг барча ижобий кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини жуда аниқ белгилаб олганлар. Компартия жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунини қўллаб-қувватлагани ҳам бунинг тасдиғи бўлди.

Бироқ ҳозирча амалий мулоқотга эриша олганимиз йўқ. Янги ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг қатор раҳбарлари тутган йўл — ваъда беравер, танқид қилавер, расмий идоралар олдига муаммоларни қўявер ва шу асосда амалда ҳеч нарса қилмай ўткинчи обрў орттиравер қабилидаги йўл жуда қулай ва оддийдир.

Айтиш мумкинки, бу ютқазилмайдиган мавқе бўлиб, қандайдир масалалар ҳал этилса, ўзиники қилиб кўрсатмоқдалар, ҳал этилмаса: биз масалани ўртага қўйдик, бюрократия эса ҳал этмаяпти, деб бемалол айтишлари мумкин.

Биз ҳаммамиз биргаликда қуйидаги оддий ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: у ёки бу масалани ким биринчи бўлиб ўртага қўйгани муҳим эмас, балки энг асосийси, аллақачон етилган ва республика учун, халқимиз учун долзарб бўлган муаммоларни қай тариқа тезроқ ҳал этишдан иборат. Амалдаги суверенитетни таъминлаш, пахта якка ҳокимлигини тугатиш, давлат тилини қарор топтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, одамлар учун муносиб турмушни таъминлаш сингари масалалар умуминсоний вазифа бўлиб, уни ҳал этишдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмас.

Бугунги кунда биз учун асосийси — аниқ иш олиб боришдир. Шунинг учун биз ўз халқи манфаати йўлида ишлашни истайдиган барча кишиларни биргаликда фаолият кўрсатишга таклиф этамиз.

Мана шундай шароитда барча партия комитетлари жиддий мавқени эгалламоқдалар, деб бўлмайди. Яқинда Марказий Комитет Бюросида Самарқанд вилоят партия комитетининг фуқароларнинг мустақил сиёсийлаштирилган бирлашмалари билан олиб бораётган иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Муҳокама вилоят партия ташкилоти ана шу бирлашмалар билан баҳамжиҳат ҳаракат системасини ишлаб чиқмаганлигини, норасмий ҳаракатлар айрим вакилларининг бузғунчилик ва ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларига жиддий сиёсий баҳо бермаётганлигини, зарур даражада зарба бермаётганлигини кўрсатди.

Ўйлаймизки, бошланғич партия ташкилотлари ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг фаолиятида қатнашиб, партияга нисбатан муросасизлик ва рад этувчилик мавқеини эгаллаб турган коммунистларга нисбатан ҳам ўз позициясини қайта кўриб чиқадиган пайт келди. Оғмачиликка ва ким устун келишини кутиб ўтиришга барҳам бериш вақти келди. Айни пайтда ўзимизнинг асосий ишимизни иккиланаётган кишиларга, ҳамма нарсани рад этиш таъсирига тушиб қолиб, аслида бу нарса ҳеч бир яхшиликка олиб келмаслигини тушунаётган, ўз раҳбарларининг хатти-ҳаракати тўғрилигига ва самимийлигига шубҳа қилаётган кишиларга қаратиш зарур.

Съезднинг иккинчи босқичидан кейин ўтган вақт давомида съезд ишлаб чиққан қарорларнинг моҳияти ва асл мазмунини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситалари анчагина фойдали ишларни амалга оширдилар.

Бироқ республика партия матбуоти ўз имкониятларидан ҳали тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Партия матбуотида эълон қилинаётган кўпгина хабар ва мақолалар умумий, расмий тусдадир. Миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия соҳасидаги долзарб масалаларга тааллуқли материалларнинг публицистик савияси юксак даражада деб бўлмайди. Ана шу материалларда кўпинча ғоявий теранлик ва аниқлик, бошқа нуқтаи назарларга нисбатан вазминлик, сезгирлик етишмайди.

Барча соҳаларда вазиятни барқарорлаштириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш кўп даражада фаол ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишга боғлиқ. Бунда республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий суди ва давлат ҳаками идораларининг коммунист-раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида эскича қарашлар ва ёндашувларга барҳам берилаётганини тушунган ҳолда, бу жараёнлар жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришни иккинчи даражали вазифа қилиб қўйишини истамас эдик.

Партия комитетлари мана шу масалаларда ўз мавқеларини қатъий аниқлаб олиб, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, меҳнат жамоалари билан аниқ-пухта ҳамжиҳатликни йўлга қўйиб, омилкорлик билан жамоатчиликка таянаётган жойларда ижобий силжишлар бўлаётганлиги, вазият барқарорлашиб, ҳатто умумий жиноятчилик камаяётганлиги яққол сезилмоқда.

Айни пайтда жиноятчилик, жумладан унинг оғир шакллари энг кўп даражада содир бўлишига йўл қўйилган Андижон, Бухоро, Сирдарё вилоятларида ҳозирча бундай ижобий силжиш рўй бермади. Республика пойтахтида ва Тошкент вилоятида вазият мураккаблигича қолмоқда. Умумий жиноятчиликнинг 40 фоизи ва оғир жиноятчиликнинг 45 фоизи пойтахтда ва Тошкент вилоятида содир бўлмоқда.

Ўзбекистонда жиноятчилик даражаси Иттифоқдагига қараганда анча паст эканлигини ҳар гал таъкидлаётган айрим раҳбарларнинг позицияси партия Марказий Комитетига маъқул бўлмаяпти. Бундай позиция лоқайдликни, тайёрга айёрлик, хотиржамлик кайфиятини келтириб чиқармоқда.

## IV.

Ўртоқлар!

Жамоат бирлашмалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан биз учун янги вазият юзага келмоқда. Ўзбекистон Коммунистик партияси Уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масалага асосий эътибор берилмоқда.

Нима учун бундай масала ўртага қўйилмоқда?

Бир томондан, КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг январь ойи охирида бўлиб ўтган қўшма Пленумида «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, КПСС ягона умумиттифоқ ижтимоий бирлашмаси сифатида ўз Уставини битта давлат идорасида — СССР Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиши зарурлиги айтилган эди. Бу иш, деб таъкидланди Пленумда, барча партиявий тузилмаларга, жумладан республика Компартияларига тааллуқли бўлади.

Бироқ умумпартия Уставининг 22-бандига, шунингдек республика коммунистлари XXII съездининг иккинчи босқичида қабул қилинган Ҳаракат дастури ва Уставга мувофиқ, Ўзбекистон Компартияси бугунги кунда суверен республиканинг мустақил сиёсий ташкилоти сифатида иш кўрмоқда. Ўзбекистон ССР Қонунида партия ўз Уставини Адлия вазирлигида мажбурий рўйхатдан ўтказиши кўзда тутилади. Ўзбекистон Компартиясининг ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилиши республика коммунистларининг жамиятда ўз таъсирини мустаҳкамлаши учун янги имкониятлар очиб беради.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунида партия раҳбар идорасининг аъзолари Уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида маълум қилишлари, айни пайтда номма-ном асосда маълум қилишлари кўзда тутилган. Агар Марказий Комитет аъзолари эътироз билдирмасалар, ушбу пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоларига тегишли ваколатлар бериш мумкин бўлур эди.

Ўз сафларида 658 мингдан ортиқ коммунистни бирлаштирган Ўзбекистон Компартияси бугунги кунда республиканинг энг оммавий сиёсий ташкилотидир. Бизнинг дастурий мақсадларимизни ва ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш юзасидан коммунистларнинг амалий ҳаракатларини меҳнаткашлар ва аҳолининг кўпчилиги кенг қўллаб-қувватламоқда. Бундай шароитда яқинда Уставимиз рўйхатдан ўтказилиши Компартия сиёсатини амалга ошириш учун унинг ҳуқуқий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотларининг салоҳиятини оширишга асосий аҳамият бериш керак. Уставга биноан уларга кенг ваколатлар берилган ва улар мустақил бўлишлари учун барча имкониятларга эгадирлар. Партия ташкилотлари котибларининг бўлиб ўтган зонал семинарлари партия ички турмушининг аҳволини батафсил таҳлил этиш имконини берди.

Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва бошқа вилоятлар партия комитетлари кейинги вақтда ҳудудий партия ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, масалан, қишлоқ Совети, мактаблар, бошқа муассасалар ва ишлаб чиқариш бўлинмалари сингари бир ҳудудда иш кўраётган кам сонли ташкилотларни бирлаштириш ҳисобига уларни мустаҳкамлаш тадбирларини кўрмоқдалар. Бошқарув идораларининг раҳбар коммунистларини, халқ депутатлари бўлган партия аъзоларини ҳудудий партия ташкилотларида доимий ёки вақтинчалик ҳисобга олиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Киров, Чилонзор районларидаги, Навоий районининг Кармана шаҳридаги, Жарқўрғон районининг Кўкайта қишлоғидаги маҳаллалар партия ташкилотлари ҳозирдаёқ ўзларини фаол намоён этмоқдалар. Улар ёшларни ишга жойлаштириш, янги иш жойлари ташкил этиш, янги ер участкаларини обод қилиш сингари долзарб масалаларни ҳал этиш ташаббускорлари бўлмоқдалар, ҳудудда ижтимоий тартибни сақлашга, аҳолини айниқса, ўсмирларни байналмилал ва ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашга оид ишларни йўлга қўймоқдалар.

Бу фақат дастлабки тажриба, албатта. Яқин вақт ичида биз истиқомат жойларидаги партия ташкилотлари иши самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масалани Марказий Комитетда кўриб чиқишни, бу ишга бирмунча аниқ мақсадни кўзловчи тус беришни мўлжаллаяпмиз. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини, айниқса кейинги вақтларгача партия таъсиридан четда қолиб келган соҳаларни қамраб олиш зарурати буни тақозо этди. Бунда гап энг аввало коммунистларнинг аҳоли орасида олиб борадиган сиёсий ишларини фаоллаштириш тўғрисида бормоқда. Шуни рўй-рост айтиш кераккки, биз аҳоли орасида кўпинча норасмий бирлашмаларга, дин арбобларига кўпинча ўз мавқеимизни бериб қўяяпмиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари, маҳаллий партия идоралари бошланғич ташкилотларга, айниқса аниқ мақсадни кўзлаб партияга қарши амалга оширилган ҳаракатлар натижасида барбод бўлиш ва тугатилиш даражасига келиб қолган ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим. Зарур бўлиб қолганда ана шундай ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш, энг принципиал ва масъулиятли коммунистларни ана шу ташкилотларга ишлаш учун юбориб, уларни мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим.

Партия Устави талаблари бузилаётган партия бўғинларида тартибни йўлга қўйиш зарур. Бу ишни коммунистларнинг ўзлари шаҳар ва район партия комитетлари ёрдамида амалга оширишлари ва Уставни қатъий бажариш кундалик нормага айланишига эришишлари шарт.

Шаҳар ва район партия комитетларининг ўзлари янада фаолроқ ишлашлари керак. Партиянинг таянч бўғини бўлган ана шу шаҳар ва район партия комитетлари энг масъулиятли пайтларда ўзининг яшовчанлигини ва таъсирчанлигини кўрсатди. Янги устав амал қиладиган шароитда партия ташкилотларини мустаҳкамлашда, меҳнаткашлар ва аҳоли орасида олиб бориладиган барча ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларни ижодий янгилашда уларнинг мавқеи анча ошади.

Улар бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда партия сафларини тўлдириш ва мустаҳкамлаш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига оладилар.

Шу йил бошидан бери партияга қарийб 4,6 минг киши қабул қилинди, бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Бу муайян саросималик давридан кейин бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар, район партия комитетлари ана шу йўналишда ўз фаоллигини сезиларли даражада оширганликларини ифодаловчи дастлабки умидбахш белгилар пайдо бўлганлигини билдиради. Бу маълум даражада партияга қизиқиш ошганлигидан, меҳнаткашлар унинг сафларига қўшилишга интилаётганидан далолат беради.

Айни пайтда коммунистларнинг партия сафларидан чиқиши билан боғлиқ кескин аҳвол пасаймаяпти. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Марказий Комитетнинг Бухоро ва Тошкент вилоят партия ташкилотларига оид маълум қарори қабул қилинганидан кейин аҳвол деярли ўзгармади. Ушбу қарорда берилган баҳолар ўз кучини тўла сақлаб қолмоқда.

Янги сиёсий шароитда партия интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ва аҳоли орасидаги бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларни ижодий янгилаш учун партия комитетларининг масъулияти анча ошмоқда. Шу билан бирга жойлардаги ишларнинг аҳволи бир қанча вилоят, шаҳар ва район партия комитетларининг иш услуби ва методлари ўртага қўйилаётган талаблардан ҳамон орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Жойларда ҳал этилиши мумкин ва зарур бўлган масалалар юзасидан Марказий Комитетга келувчилар оқими кўпайганлиги бунинг далилидир. Махфий иқтисодиёт уддабуронларига нисбатан ҳокимият маҳаллий идораларининг аралашмаслик мавқеи, чайқовчилик ва порахўрликка қарши таъсирчан кураш олиб борилмаётганлиги, ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилаётган кишиларга нисбатан талабчан бўлмаслик ва принципсизлик қилинаётганлиги одамларни ғазаблантирмоқда. Партия ва совет раҳбарларининг вазиятга тўғри баҳо бера олмаётганликлари, ўз ваколатидаги ер тузиш ва сувдан фойдаланиш, ҳудудий бўлиниш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ободонлаштириш масалаларини холис ва билимдонлик билан ҳал эта олмаётганликлари кўпчиликнинг Марказий Комитетга келишига сабаб бўлмоқда.

Наманган шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги воқеалар Наманган вилоят партия комитети (ўртоқ Б. Ж. Ҳакимов) ишида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатди. Воқеаларнинг фожиали тугаганлиги — баъзилар ўйлаганидек, воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолиши эмас. Энг муҳими эса, бунинг асл сабаблари партия комитетлари, вилоят ва шаҳар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг бепарволиги, тутуриқсизлигидадир. Бу уларнинг бузғунчи кучларга, мутаассиб кайфиятдаги унсурларга тилёғламалик қилаётганликларининг, жамоат турмушида содир бўлаётган жараёнларни таҳлил этмаётганликларининг оқибатидир. Бу махфий иқтисодиёт вакилларига нисбатан қатъий бўлмаган ва ноизчил йўл, чайқовчиликка қарши курашдаги қатъиятсизликдир. Пировард натижада бу, кадрлар билан олиб борилаётган ишдаги жиддий нуқсонлардир.

Яқинда биз Тошкент вилоят партия комитетида интизомни ва партия ташкилотларининг пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаш соҳасида раҳбар-коммунистларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида жиддий гаплашиб олдик.

Тошкент вилоят партия комитети ва бошқа партия комитетлари ташкилий карахтликдан дадилроқ уйғонишлари, фаолларга, коммунистларга, қуйи партия бўғинларига таянган ҳолда тўла куч билан ишлашлари зарур.

Ўзбекистон Компартиясининг вилоят бўғини жумҳурият коммунистларининг Ҳаракат дастурида белгилаб берилган вазифаларни ҳал этишда ўз имкониятини тўла намоён этиши керак.

Ўзбекистон Компартиясининг Устави партия ташкилотлари раҳбар ва масъул лавозимларга номзодини кўрсатган коммунистларга, сайлаб қўйилган СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатларига, маҳаллий Советларнинг депутатларига юксак талаблар қўяди. Улар ўзларининг бутун фаолияти билан ўзларига билдирилган ишончни оқлашлари, партия сиёсатини фаол амалга оширувчилар бўлишлари, меҳнаткашлар ва аҳоли турмушини яхшилаш, уларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда қатъий позицияни эгаллашлари зарур.

Партия комитетлари ҳам Уставнинг ана шу талабларига оғишмай риоя этилишига қатъият билан эришишлари керак.

Кадрларнинг таъсирчан резервини шакллантиришга кўпроқ эътибор бериш лозим. Бозор муносабатларига, халқ хўжалигини бошқаришнинг янги тузилмаларини ташкил этишга ўтилаётган ҳозирги шароитда биз тажрибали, малакали, янгича фикрловчи раҳбарлар ғоят етишмаётганини ҳис этяпмиз.

Кадрларни ўқитишга тааллуқли яна бир жиҳат тўғрисида гапирмоқчиман. Тугатилган Тошкент олий партия мактаби ҳамда республика раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш тармоқлараро институти негизида бутунлай янги ўқув юрти — сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи ташкил этилганлиги вилоят партия комитетларига маълум.

Ҳозирги вақтда илмгоҳ ректорати Марказий Комитет ҳамда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети бўлимлари билан биргаликда тингловчиларнинг сони, мўлжалланаётган таркиби ва уларни факультетларга қабул қилиш шартларига оид иш олиб бормоқда. Тегишли таклифлар вилоят партия комитетларига юборилади. Вилоят партия комитетларининг вазифаси сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи тингловчиларига номзодларни танлашга расмиятчилик билан ёндашмасликдан иборат. Чунки улар республиканинг келажаги ҳали ёш бўлган ана шу кишиларга боғлиқ эканини тушунадилар.

Хуллас, вужудга келаётган вазият партия комитетлари ва ташкилотларидан кадрлар билан ишлашни фаоллаштиришни, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш учун партия кадрларидан энг кўп даражада фойдаланишни талаб этади.

Ниҳоят, Компартиянинг молиявий манбаи тўғрисида. Партия бюджетимиз ҳақидаги батафсил маълумотнома Марказий Комитет аъзоларига тарқатилган. Қисқача қилиб гапирадиган бўлсак, даромадимиз кескин камайди ва партия аппарати кенг миқёсда қисқартирилганига қарамай, ҳозирча бюджетни мувофиқлаштиришга муваффақ бўлинмаяпти. Бу йил КПССнинг эҳтиёт фондидан бериладиган дотация 32,7 миллион сўмни ташкил этади, яъни харажатларимизнинг 40 фоиздан кўпроғи ҳозирча чекланган ана шу манба ҳисобига қопланмоқда. Биз фақат бир йил ундан фойдаланишимиз мумкин.

Шунинг учун биз қаттиқ молиявий интизомни амалга оширишимиз, партияни маблағ билан таъминлаш воситаларини фаол излашимиз керак. Айни пайтда бозорга ўтиш муносабати билан харажатларимиз яна ортади.

Барча партия комитетлари аппаратини таъминлаш учун маблағлар анча қисқараётганлигини ҳисобга олиб, партиявий ишда жамоатчилик асосларини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарур. Партия комитетлари комиссиялари, ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина районлар ва шаҳарларда ўзини намоён этган бошланғич ташкилотлар котиблари кенгашлари тўла куч билан ишлаши керак.

Пировардида яна бир бор шуни таъкидламоқчиман: республика коммунистларининг бутун амалий фаолияти Ўзбекистон Компартиясининг халқ манфаатларидан бошқа манфаатлари бўлиши мумкин эмаслигидан доимо далолат бериб туриши керак. Биз ҳукмрон партия мавқеидан, ўзимизнинг жамиятдаги обрў-эътиборимиздан фойдаланиб, мустаҳкам давлат ҳокимиятини, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни, ижтимоий адолатни, ҳар бир киши учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш асосида жумҳурият халқларини маънавий янгилашга қаратилган йўлни қатъият ва изчиллик билан амалга оширишимиз зарур. Бунинг учун ҳеч кимда мутлақо шубҳа бўлмаслиги керак.

---

## *Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг*

# ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК КИМЁСИ ИЛМГОҲИНИНГ БИР ГУРУҲ ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил ва самарали ишлаганлиги, тупроқшунослик соҳасида назарий ва илмий масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшганлиги, малакали кадрлар тайёрлаганлиги ва жамоат турмушида фаол қатнашганлиги учун қуйидагиларга Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари берилсин:

**«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»**

**Комилов** Ориф Комилович — лаборатория мудири.

**«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»**

**Сатторов** Жўрақул Сатторович — илмгоҳ директори.

Қуйидагилар **Ўзбекистон ССРнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:**

**Икромов** Жалолиддин — етакчи илмий ходим.

**Исматов** Жунайдулла Раҳматуллаевич — етакчи илмий ходим.

**Эргашев** Абдураҳмон — етакчи илмий ходим.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 9 март.

---

*СССР Олий Кенгашининг қарори*

# СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СССР РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШИШИ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 17 март куни СССР референдумини ўтказиш чоғида «СССРда умумхалқ овоз бериши (референдуми) тўғрисида»ги СССР Қонунига, СССР халқ депутатлари тўртинчи Съезди ва СССР Олий Кенгашининг қарорларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. СССР халқ депутатларига 1991 йил 17 март куни ўз сайлов округларида СССР референдуми ўтказилишини таъминлашда амалдаги қонунларга қатъий мувофиқ равишда фаол иштирок этиш топширилсин.

2. Референдум қандай ўтказилаётганлигини кузатиб туриш учун республикаларга ва минтақаларга СССР халқ депутатлари гуруҳларини юбориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. СССР халқ депутатларига ва халқ депутатлари гуруҳларига СССР халқ депутатининг мақоми тўғрисидаги СССР Қонунида кўзда тутилган ваколатлар доирасида ССР Иттифоқи бутун ҳудудида СССР референдуми ўтказилишини СССР Олий Кенгаши номидан расмий кузатувчилар ҳуқуқи берилсин.

4. СССР халқ депутатлари ва депутатлар гуруҳлари СССР референдуми мақсадлари ва моҳиятини, шу масала юзасидан СССР халқ депутатлари тўртинчи Съезди ва СССР Олий Кенгаши қабул қилган қарорларни тушунтиришда фаол иштирок этсинлар, СССР референдумини ўтказувчи комиссияларга уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳар томонлама кўмак берсинлар.

СССР халқ депутатлари СССР Олий Кенгашининг топшириғини бажариш чоғида комиссиялардан ҳар қандай ҳужжатлар ва материалларни олишга ёки улар билан танишиб чиқишга, тегишли идоралардан ва мансабдор шахслардан СССР референдуми тўғрисидаги Қонуннинг қоидаларига риоя этишни талаб қилишга, зарур ҳолларда Қонунни бузишга чек қўйиш ва айбдор шахсларни қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдига қўйишга ҳақлидирлар.

Бунда фуқароларнинг СССР Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишига, СССРнинг ҳар бир фуқароси ССР Иттифоқи тақдирига нисбатан ўз фикрини эркин ифода этиши учун шарт-шароитни таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

5. ССР Иттифоқи Прокуратураси, СССР Ички ишлар вазирлиги ҳамма жойда қонунларга қатъий риоя этилишини ва жамоат тартибини таъминласин, 17 март куни СССР нинг ҳар бир фуқароси СССР референдуми чоғида ўз иродасини эркин ифодалаш конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда ҳақиқий имкониятга эга бўлиши учун барча зарур чоралар кўрилсин. СССР фуқаросининг СССР референдумида қатнашиш ҳуқуқига қандай бўлсада тажовуз қилиш, бу ҳуқуқни ҳар қандай чеклаш СССР Конституциясига зид бўлиб, ғайриқонуний ҳисобланади.

6. Республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижро ва идора этувчи органлари СССР халқ депутатлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишларида уларга зарур ёрдам кўрсатсинлар.

СССР Олий Кенгаши мамлакатнинг барча фуқароларига яна бир бор мурожаат қилиб, СССР референдумида фаол қатнашишга, тарихий аҳамиятга молик масалани — янгиланаётган давлатимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тақдири масаласини ҳал қилишни ўз қўлларига олишга чақиради.

**СССР Олий Кенгашининг Раиси**

**А. ЛУКЬЯНОВ.**

Москва, Кремль.
1991 йил 11 март.

---

## ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ

11 март куни СССР Президенти М. С. Горбачевнинг таклифига биноан Туркия Республикасининг Президенти Т. Озал расмий ташриф билан Совет Иттифоқига келди.

Москва аэропортида СССР давлат протоколига мувофиқ меҳмонга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Учрашув расмий маросимининг асосий қисми Кремлнинг Георгий залида бўлиб ўтди. М. С. Горбачев Т. Озал билан саломлашди.

Шу куниёқ икки давлат Президентлари суҳбатлашишди.

(ТАСС).

